



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№6 (959)

2026 йил 6 февраль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Бўка тумани
замонавий
қиёфага
киради

2



Иншоотларни сейсмик ҳимоялаш – Италия ва Ўзбекистон тажрибаси

Самарқанд шаҳрида
“Иншоотларни сейсмик
ҳимоялаш – Италия ва
Ўзбекистон тажрибаси”
мавзусида бўлиб ўтган халқаро
семинарда Италиядан ташриф
буурган етакчи мутахассислар,
соҳа масъуллари иштирок
этишди.

Райҳона ХҲЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Семинарда қурилиш соҳасида зилзилабар-
дошлик бўйича қўлланилаётган замонавий
ёндашувлар, илгор технологиялар ва норматив
талаблар юзасидан атрофлича фикр алмашил-
ди. Хусусан, Италия тажрибасида синовдан ўт-
ган сейсмик ҳимоя тизимларини лойиҳалаш ва
амалиётта татбиқ этиш масалалари муҳокама
қилиниб, уларни Ўзбекистон шароитида қўл-
лаш имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек,
мутахассислар томонидан янги қурилатган
ҳамда мавжуд иншоотларнинг сейсмик барқа-
рорлигини оширишга қаратилган техник ечим-
лар тақдим этилди.

Тадбирда қурилиш ва уй-жой коммунал

хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов
сўзга чиқиб, сейсмик хавфсизлик масаласи бу-
гунги кунда қурилиш соҳаси билан чекланиб
қолмасдан, аҳоли ҳаёти, шаҳарлар барқарорли-
ги ва миллий хавфсизлик билан чамбарчас бо-
лиқ эканини таъкидлади.

– Зилзила – олдини олиб бўлмайдиган та-
биат ҳодисаси. Бироқ унинг оқибатларини ил-
мий асосланган ёндашув, замонавий норма-
тив-ҳуқуқий база ва самарали муҳандислик
ечимлари орқали сезиларли даражада камай-
тириш мумкин, – деди у.

Шунингдек, тадбирда сўнгги йилларда мам-
лакатимизда сейсмик хавфсизликни таъмин-
лаш йўналишида амалга оширилган тизимли
ислохотлар, жумладан, норматив ҳужжатлар-
нинг янгилангани, кўп қаватли уй-жойларнинг
сейсмик ҳолатини баҳолаш бўйича олиб бори-
лаётган комплекс тадбирлар ҳақида атрофлича
маълумот берилди. Янги қурилишларда замона-
вий сейсмик ҳимоя технологияларини қўллаш,
мавжуд иншоотларни мустахкамлаш масалалари
устувор вазири сифатида қайд этилди.

Бундан ташқари, италиялик мутахассислар
томонидан қўлланилаётган илгор муҳандис-
лик ечимлари, сейсмик изоляция ва энергия
тежамкорлик тизимлари Ўзбекистон шароити-
да жорий этилиши мумкин бўлган муҳим йўна-
лишлар сифатида таъкидланди. Бу борада
халқаро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, таж-
риба алмашиш ва муҳандис кадрлар малакаси-
ни ошириш зарурлиги қайд этилди.



▲ Самарқанддаги халқаро семинардан лавҳа.



Кўп квартирали уйларни бошқаришда янги босқич: иқтисодий барқарорлик ва рақамли назорат

Кўп квартирали уй – бу фақат
бетон ва деворлар мажмуаси
эмас. У миллионлаб одамларнинг
кундалик ҳаёти, хотиржамлиги ва
келажакка ишончи билан боғлиқ
тизимдир. Шу боис уни қандай
бошқараётганимиз давлат
бошқаруви самарадорлигининг
энг аниқ кўзгуларидан бири
ҳисобланади.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевга тақ-
дим этилган навбатдаги тақлифлар айнан шу
ҳаётий тизимни янги босқичга олиб чиқишга
қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Мазкур
тақдимот оддий ҳисобот ёки режалар тўплами
эмас, балки кўп квартирали уй-жой фондини
бошқаришда иқтисодий барқарорлик, рақамли
шаффофлик ва замонавий хизматлар уйғунлаш-
ган янги моделни шакллантиришга қаратилган
стратегик қарардир.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўр-
сатиш вазири ўринбосари Озода Жўраеванинг
фирқарида ҳам ана шу янги босқичга ишонч,
қилинган ишларга реал баҳо ва олинган турган
вазифаларга аниқ йўналиш яққол сезилади.

– Бугун Ўзбекистонда 44 мингдан зиёд кўп
квартирали уйларда 7,1 миллион нафар аҳо-
ли истиқомат қилаётгани соҳанинг қанчалик
улкан ижтимоий аҳамиятга эга эканини кўр-
сатади. Ушбу уйларга 900 дан ортиқ бошқарув
сервис компаниялари, 200 дан зиёд ширкат-
лар хизмат кўрсатмоқда, шунингдек, 856 таси
ўзини ўзи бошқариш услубида бошқарилади,
– деди вазири ўринбосари Ўза мухбири Бехруз
Худойбердиева.

Кейинги йилларда амалга оширилган таъ-
мирлаш, ободонлаштириш ва муҳандислик
коммуникацияларини янгилаш ишлари хиз-
матлар сифати сезиларли ошганини кўрсат-
моқда. Фақат 2025 йилнинг ўзида қарийб 245
миллиард сўм ҳисобидан минглаб уйлар таъ-
мирлангани давлатнинг соҳани қўллаб-қувват-
лашдаги қатъий позициясидан далolat.

Қайд этиш керак, иқтисодий барқарорлик –
тизимнинг пойдевори. Бироқ инфратузилмани
янгилашнинг ўзи етарли эмас. Асосий масала
бошқарув сервис компанияларининг иқтисо-
дий барқарорлиги ва молиявий мустақили-
гидир. Шу нуқтаи назардан, барча мажбурий
бадаллар ва умумий мулкдан тушадиган даро-
мадларни “Менинг уйим” биллинг тизими орқали
ҳисобга олиш талаби соҳада шаффофликни
мутлақо янги босқичга олиб чиқади.

Умумий мол-мулкни ижарага бериш шарт-

номаларининг солиқ органларида мажбурий
рўйхатдан ўтказилиши эса “кўринмас иқтисоди-
ёт”га барҳам бериб, ҳар бир сўмининг манзилли
ишлатилишига хизмат қилади.

2026-2030 йилларга мўлжалланган тақ-
лифларда ҳокимликлар ҳузурида ҳудудий ин-
спекциялар ташкил этиш, бюджетдан ташқа-
ри жамғармаларни шакллантириш ва ҳоким
ўринбосари лавозимини жорий этиш режалари
соҳадаги парокандаликни бартараф этишга қар-
атилган муҳим қадамдир.

Бу ислохотлар орқали уй-жой коммунал хў-
жалиги биринчи марта аниқ масъулият, доимий
назорат ва узлуксиз мониторинг тизимига эга
бўлади.

Бугунги кунга келиб рақамлаштириш ва
сунъий интеллект келажак эмас, заруратга ай-
ланди. Шу нуқтаи назардан тақдимотнинг энг
этиборли жиҳатларидан бири соҳани рақам-
лаштириш ва ахборот технологияларини жорий
этишдир. Диспетчерлик хизматларида сунъий
интеллект асосида мурожаатлар билан ишлаш
аҳоли учун вақт, бошқарув компаниялари учун
эса самарадорлик дегани.

“Турар жой” миллий ахборот тизимининг
ишга туширилиши эса кўп квартирали уйлар-
нинг техник ҳолати, ресурслар истеъмоли ва ер
участкалари бўйича ягона, ишончли маълумот-
лар базасини яратди. Бу қарорлар қабул қи-
лишда инсон омилини камайтириб, аниқ рақам-
лар ва таҳлилга таяниш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари
топшириқлари ва тақдим этилган тақлифлар
кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш
соҳасини иқтисодий жиҳатдан барқарор, ин-
вестиция учун жозибадор ва тулиқ шаффоф ти-
зимга айлантиришга қаратилган. Энг муҳими,
бу ислохотлар марказида инсон – оддий фуқа-
ронинг ҳаёт сифати турибди.

Янги моделда аҳоли, давлат ва бошқарув
компаниялари манфаатлари ўзаро уйғунлаша-
ди. Бу эса кўп квартирали уйни муаммо манбаи
эмас, балки барқарор ва қулай яшаш маконига
айлантириш йўлидаги энг муҳим қадамдир.

Бухоро вилояти ҳокимлиги ва “Hududgazta'minot” АЖ мутасаддилари диққатига!

Уй битган, тармоқ тортилган,
аммо
газдан дарак йўқ...



Янги уй, янги ҳаёт, шинамгина
бошпана... Бухоро вилояти Когон
туманидаги Ниёз ҳожи номли
маҳалла фуқаролар йиғинида
яшовчи 120 та оила 2023 йилда
шундай орзулар билан янги
хонадон харид қилишди. Аммо
2023 йилда қурилиши бошланиб,
2024 йилда фойдаланишга
топширилган 6 та беш қаватли
уйнинг коммунал тизимдаги
камчиликлари ҳанузгача ечим
топмаган.



3



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



Бу йилги марралар ҳам забт этилади

Кейинги йилларда Жиззах вилояти республикада sanoati тез ўсаётган ҳудудлардан бирига айланмоқда. Вилоятнинг драйвер соҳаларидан бирига айланган sanoatнинг 2,5 триллиондан 25 триллион сўмга ошгани, 2017-2025 йиллар оралиғида 6,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ишга тушиб, унинг 45 фоизи sanoat соҳасига тўғри келаётганининг ўзиёқ бу маълумотларнинг ҳақиқат эканини тасдиқлаб турибди.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Саноатнинг биргина қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида ўнлаб корхоналар фаолият бошлагани, маҳсулотларнинг нафақат маҳаллий бозорда шу билан бирга хорижда ҳам харидоргир эканини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Жиззах шаҳри ҳудудида қурилишда иссиқлик ва овоз босувчи изоляция материаллари ҳисобланган минерал плиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилгани натижасида 100 нафардан зиёд ҳамюртларимиз иш ўрнига эга бўлишди.

Иш фаолиятини бошлаган ҳар бир корхонада биринчи навбатда ходимларни ишга жалб қилиш ва айнан сифат масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Малакали ва тажрибали ходимларнинг ишга жалб қилиниши сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосий омил бўлмоқда.

Жиззах вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш борасида илғорлардан бири бўлиб келаётган Жиззах эркин иқтисодий зонасида бугунги кунда ишлаб чиқариш қуввати бўйича Марказий Осиёда етакчи ҳисобланган маиший шиша ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ўз фаолиятини йилдан йилга кенгайтириб, иш ўринлари сонини ошириб бормоқда. Давлатимиз раҳбари халқимиз ва

Парламентга Мурожаатномасида иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, унда энг аввало, илғор технологиялар трансфери ташқарида бозори аниқ бўлган юқори қўшилган қийматлар ишлаб чиқариш, шунингдек, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш заруратига алоҳида эътибор қаратди. Ўз навбатида, инновация асосида юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни рағбатлантириш юзасидан ҳам ўзининг аниқ кўрсатма таклиф ва тавсияларни билдириб ўтди.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида ҳам инвестиция дастурлари асосида янги лойиҳаларни ишга тушириш режалари талайгина. Биргина 2025 йилнинг ўзида 12 триллион сўмлик 558 та инвестиция лойиҳалари иш бошлаган бўлиб, ундан 8 триллион сўми 34 та йирик лойиҳалар учун сарфланган. Натижада 11 726 та янги иш ўрни яратишга эришилди. Хусусан, маиший шиша ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида яратилган қулайликлар ва имтиёзлар боис 85 миллион доллар эвазига йилига 800 миллион квадрат метр қопламали ойна ишлаб чиқарувчи янги тармоқ 2025 йилнинг учинчи чорағида ишга туширилди. Маҳсулотларни арзон нархларда сотувга қўйиш ва экспортга йўналтириш бошланди. Корхона даромади тўрт ҳисса ошиб, янги тармоқда 30 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.

– Ўзбекистонда иш бошлаганимиздан хурсандмиз, – деди хитойлик инвестор Ли Зен Минг. – Корхонамиз 7 йилда Хитой технологияси асосида 2 та янги линияни ишга туширди. Маҳсулотларимиз сифатли бўлгани сабабли экспорт имкониятларимиз ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Маҳсулотларни сотиш, янги жиҳозларни келтириш, тармоқларни қўлайтириш каби қатор масалаларда Ўзбекистоннинг бизга берган енгилликлари учун албатта миннатдормиз. Олдинда қатор режаларимиз бор. Бошқа турдаги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳам иш бошлаганимиз. Бу янги лойиҳаларни амалга оширишимиз ҳам албатта манfaatли бўлади деган умиддамиз.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш 100 фоиз маҳаллийлаштирилган. Оҳақтош, кварц кўмир, техник шода каби ҳомишбўлар маҳсулотлар сифатини кафолатлайди. Автоматлаштирилган тизим хавфсизлиқни таъминлаш билан бирга меҳнат сарфини ҳам камайтиради. Ҳозирда корхонанинг бюджетта йиллик тушуми 15 миллиард сўмга, экспорт кўрсаткичлари 3 миллион долларга етмоқда.



Бўка тумани замонавий қиёфага киради

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Бўка туманини "Тараққиёт ва етакчилик маскани"га айлантириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдими билан танишди.

Қайд этилганидек, туманни комплекс ривожлантириш, sanoat зонасини ташкил этиш, урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, хизмат кўрсатиш ва туризм салоҳиятини оширишга қаратилган аниқ режалар тузилган.

Тақдим этилган дастурга мувофиқ, туманда 11 та йирик лойиҳа амалга оширилади. Натижада 1 минг 11 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиши ва 2 минг 210 нафар аҳоли учун янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Бунинг учун Президентимизнинг тегишли қарорига асосан бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Ривожланиш дастури доирасида туман марказини аҳоли яшаши ва дам олиши учун қулай, замонавий шаҳар муҳитига айлантириш, хизмат кўрсатиш ҳамда туризм соҳаларини ривожлантириш учун зарур инфратузилмани яратиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Шунингдек, ички йўллар, пиёдалар ва вело-йўлакларни барпо этиш орқали шаҳар ҳаракатини янада яхшилаш, аҳоли учун хавфсиз ва қулай муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уй-жой ҳамда ижтимоий соҳа объектларини "яшил тамойиллар" асоси-

да қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш орқали экологик барқарорликни таъминлаш ҳам дастурнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маъқур йўналишлар доирасида туман марказида аҳоли дам олиши учун замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш, 9,2 гектар майдонда 29 та кўп қаватли уй-жой, кўнгилочар марказ ҳамда савдо-хизмат объектлари қуриш учун ҳудудни тўлиқ инфратузилма билан таъминлаш режалаштирилган.

Ишбилармонлик учун қулай муҳит яратиш мақсадида sanoat зоналарини барпо этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги биноси олдидаги бўш ер майдонида замонавий бог ташкил этиш, Қорасув – Бўка – Бекобод автомобиль йўлининг туман марказидан ўтувчи 1,5 километр қисмини кенгайтириш ишлари ҳам назарда тутилган, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Абдулазиз Мусаев.

Тақдирот якунида ушбу лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.



Каттакўрғонда қиш мавсуми уюшқоқлик билан ўтмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги 453-сонли қарорига асосан, 2025-2026 йиллар куз-қиш даврида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий ва энергетика соҳаси объектлари ҳамда кўп квартиралар уй-жой фондини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижросига киришилган эди.

Жамшид АХМЕДОВ,
Каттакўрғон шаҳар ҳокими ўринбосари.

Каттакўрғон шаҳрида жами 263 та кўп квартиралар уй-жойлар мавжуд бўлиб, уларнинг 178 таси 2 қаватли, 2 таси 3 қаватли, 48 таси 4 қаватли, 28 таси 5 қаватли, 4 таси 7 қаватли, 3 таси 12 қаватли уйлардир. 1991 йилгача қурилган уй-жойлар 234 тани ташкил этади.

Ушбу кўп квартиралар уй-жойларга 7 та бошқарув сервис компанияси хизмат қилмоқда. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш билан шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шуғулланади. Ҳали куз бошланмасдан шаҳардаги кўп квартиралар уй-жойларнинг 43 та кириш йўлаклари, 32 та ёрдамчи электр тақсимловчи шит, 15 та уйнинг том қисми, 9 тасининг фасад қисми, 15 та уйнинг сув қувурлари, оқова қувурлари, 22 тасининг болалар майдончалари таъмирланиб, 240 та уйнинг 9,8 километр ирригация ариқлари ҳамда кўп квартиралар уй-жойларга туташ бўлган 9700 м² майдонлар ободонлаштирилиб, чиқиндилардан тозаланди.

Маиший чиқиндиларни қайта ишловчи янги заводлар

Нукус туманида янги завод қурилиши муносабати билан ўтказилган тадбирдан лавҳа.



Нукус туманида янги завод қурилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда экология соҳаси фаоллари, нурунийлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида қиймати 150 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция асосида чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш корхонаси қурилишига тамал тоши қўйилди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, Хитойнинг "CSET" компанияси вакиллари, соҳа мутасаддилари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тантанали тадбирда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда чиқиндиларни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, уларни қайта ишлаш ва иқтисодий айлانмага киритиш орқали экологик барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу жараён чиқинди полигонлари юқини камайтириб, атроф-муҳитга салбий таъсирини қисқартириш ва аҳоли турмуш сифатига ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг "CSET" компанияси ўртасида чиқиндиларни энергетик

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси Аманбай Оринбаев ҳам иштирок этиб, йиғилганларни кундалик маиший чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган янги завод қурилишининг пойдевори қўйилиши муносабати билан табрикланди.

Тадбирда таъкидланганидек, хитойлик инвесторлар томонидан чиқиндини ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқаришга қаратилган ушбу завод қурилиши учун 80 миллион доллар маблағ сарфланади. Завод фаолият бошласа, йилига 274 минг тонна қаттиқ маиший чиқинди қайта ишланиб, 80 минг Мегаватт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида янги завод қурилишига тамал тоши қўйилди.



ресурс сифатида фойдаланишга қаратилган инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича имзоланган келишув ҳам бунга яққол мисолдир.

Жанубдаги воҳада бошланган янги лойиҳа 2028 йилда тўлиқ ишга туширилиб, 150 та домий иш ўрни яратилади. Йилига 438 минг тонна қаттиқ маиший чиқиндини қайта ишлаш орқали 75 миллион киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Холмуҳмин Маматрайимов.

Таъкидланганидек, лойиҳа вилоятнинг экологик ва энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаб, инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бухоро вилояти ҳокимлиги ва “Hududgazta’minot” АЖ мутасаддилари диққатига!

Уй битган, тармоқ тортилган,

аммо

газдан дарак йўқ...



Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

➔ **1** Фуқаролар ушбу хонадонларни “Kogon soft g’isht” МЧЖ билан 2024 йил 31 октябрда тузилган “Квартира олди-сотдиси тўғрисидаги топшириқ шартномаси” ҳамда 2025 йил 6 сентябрдаги “Квартира олди-сотди шартномаси” асосида, субсидия ва нақд пуллар ҳисобидан харид қилишган. Шартномаларнинг аниқ бандларида газопровод қувурлари квартира ичига олиб кирилиши, газ ҳисоблагич ўрнатилиши, электр энергияси квартира ичига киритилиши ва ҳисоблагичлар ўрнатилиши белгиланган.

– Биз муаммоларни инкор қилмаямиз ва уларни ҳал қилиш учун елиб-югураямиз, – деди “Kogon soft g’isht” МЧЖ юристи Бахтиёр Орзиев. – Дастлаб, вилоят раҳбарияти топшириғи билан марказлашган иссиқлик тизимига уланиш режалаштирилган эди. Кейинчалик электр тизимига ўтишга қарор қилинди. Ҳозирда “Техник шарт” олинган ва аҳоли эллик физик ҳегирма асосида тўловни амалга ошириши белгиланган. Ҳар бир хонадонга 4 миллионга яқин суммада харажат қилинмоқда.

Табиий газ нега муаммо бўлмоқда?

Маълумотларга кўра, мазкур кўп қаватли уйларнинг иситиш манбаи табиий газга мослаштирилган. Лойиҳага кўра, ҳар бир хонадон учун алоҳида қозонхона ўрнатилиши кўзда тутилган ва қурилиш ишлари 2024 йил ноябрь ойида якунланган. “Когонтумангаз” газ таъминоти бўлими томонидан барча пайвандлаш ишлари лойиҳа асосида бажарилиб, зарур қурилмалар (GRP) ўрнатирилган. Ҳатто, хонадонлардаги газ ҳисоблагичлар тамгаланиб, тизим 72 соат давомида юқори босимда синовдан ўтказилган. Натижада ҳеч қандай камчилик аниқланмаган ва бу бўйича тегишли далолатномалар имзоланган.



– Хонадонларга кўчиб кирганимизда, уларда ҳеч қандай иситиш тизимларига уланиш амалга оширилмагани аён бўлди. Қурилиш ташкилоти раҳбари Бахтиёр Қудратов 2024 йил қиш мавсумини ўтказиб олишимизни, айни пайтда “ноль” фаолиятда турган табиий газ 2025 йилда тўлиқ ишга тушишини, хозирча уланиш жараёнида айрим техник муаммолар мавжудлигини айтган эди. Афсуски, 2025 йилнинг совуқ кунларини ҳам худди шу ҳолатда ўтказдик. Муаммога аниқ ечим таклифи ўрнига туман газ таъминоти бўлими ва қурилиш ташкилоти ўртасидаги келишмовчиликларга тўқнаш келиб турибмиз, – деди фуқаро Мунаввар Тошова.

Маълум бўлишича, қатор мулклий ҳуқуқни тасдиқловчи меъёрий ҳужжатлар асосида “Со-

тувчи” ва “Сотиб олувчи” ўртасидаги шартномалар **расмийлаштирилган**.

“Квартира олди-сотдиси тўғрисидаги топшириқ шартномаси”нинг махсус шартлар қисмида газ қувурлари квартира ичига киритилиши ва газ ҳисоблагич ўрнатилиши қайд этилган. Шунга қарамай, шартномада очиқ-ойдин ёзилган мажбуриятлар ҳалигача бажарилмаётти”, – деди фуқаро Шерали Ёриқулов.

Бундай тартибда тузилган ҳар икки турдаги шартномадаги аниқ қайдлар фуқароларнинг ишончига асос бўлган бўлсада, газ қувурлари ханузгача ишга туширилмаган. “Когонтумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи Хусен Ҳабибовнинг таъкидлашича, кўп қаватли уйларни табиий газ тармоғига улаш учун қурувчи ташкилот

томонидан зарур лойиҳа ҳужжатлари ва қонуний “Техник шарт” олинмаган. Мавжуд Архитектура режали топшириғи (АРТ) фақат қурилиш майдонидаги тармоқларни кўчиришни назарда тутди ва хонадонларни газ билан таъминлашга асос бўла олмайди. Амалдаги тартиб (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги 256-сон ва 2024 йилдаги 319-сон қарорлари)га кўра, газ уланиши учун қурилмалар қуввати ва истеъмол ҳажми кўрсатилган аниқ техник шартлар расмийлаштирилиши ҳамда “Худудгаз Бухоро” ГТФ билан келишилиши шарт. Қисқа қилиб айтганда, газ таъминоти фақат барча лойиҳа ҳужжатлари қонуний тартибда, онлайн ариза асосида қайта расмийлаштирилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

“Kogon soft g’isht” МЧЖ томонидан “Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали ҳамда “Когонтумангаз” газ таъминот худудий бўлимига турли баҳоналар билан кўп қаватли уйларни табиий газга улашдан бўйин товлаб келаётгани тўғрисида талабнома жўнатилган. Шунингдек, ҳар иккала ташкилот зиммасига “Техник шарт”-ни ҳақиқий, деб топиб, муддатини тиклаш ва хонадонларни табиий газ тармоғига улаш мажбуриятини юклаш тўғрисида даъво аризаси киритилган. Бухоро туманлараро иқтисодий суди эса ушбу даъво аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида ўз ажримини чиқарган.

– Биз қурган уйларга “Техник шарт” берилган вақтда кўп қаватли уйларни электр таъминоти-га улаш тўғрисидаги қонун кучга кирмаган эди, – деди Бахтиёр Орзиев. – Бироқ, “Техник шарт”-ни бир йиллик муддати ўтгунча газни тармоққа улаш кечиктирилган. Бугунги кунга келиб, “Техник шарт” олишнинг имкони йўқ. Табиий газ қувурларини тортиб, хонадонларга олиб киргунга қадар ҳам кўп харажат бўлган. Шунга қарамадан, тўлиқ электрлаштириш тизимига ўтиш ҳамда мазкур амал бугунги куннинг талаби экани юзасидан хонадон сотиб олган фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

“Электр энергияси таъминотида муаммо йўқ”

Когон тумани ҳокими ўринбосари Махмуд Шамсиевнинг билдиришича, Ниёз Ҳожичишлогий ҳудудида жойлашган кўп қаватли аҳоли турар жойларини электр билан иситиш мақсадида тўлиқ лойиҳа-ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Қайд этилишича, “Ўзэнергоинспекция”нинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси “Kogon soft g’isht” МЧЖ томонидан барпо этилган ва аввалдан табиий газ билан таъминланмаган ушбу кўп қаватли уйларни “Xogazm Ta’mir Loyiha” МЧЖ томонидан электр билан иситиш мақсадида лойиҳа ишлаб чиқилган ва уни амалда қўллаш келишилган.

– Электр энергияси таъминотида муаммо йўқ, – деди фуқаро Насиба Ҳасанова. – 1 фазалик ток ўтказилган линиялар 3 фазаликка уланди. Бу яхши. Аммо, нархи жуда қиммат! Электр энергияси учун шахсан ўзим 3 ойда 4,5 миллион сўмдан зиёд пул тўладим. Ҳозирда 50 фоиз чегирма билан шартнома асосида электр энергиясидан фойдаланяпман.

Таъкидлаш керакки, айрим фуқаролар яшаш хонадонида иситиш тизимида электр энергияси таъминотида тўлиқ ўтиб, фойдаланиб келаётгани, табиий газга эҳтиёжи йўқлигини билдиришди.

Когон туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи Муҳаммад Жураевнинг айтишича, биноларни электрлаштириш бўйича барча ишлар якунланиб, тегишли инспекция билан келишилган. Ҳозирда яшаётган 20 дан ортиқ хонадон эгаси билан 50 фоизлик имтиёзли тариф асосида шартнома тузилган. Ушбу тартибга кўра, истеъмолчилар белгиланган нархнинг ярмини тўлайдилар (масалан, 600 сўм ўрнига 300 сўм) ва бу йил давомида амал қилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп қаватли уйлар атрофида юзага келган бу чигал вазият масъулият, қонун устуворлиги ва инсон қадри масаласига айланиб улгурди. Қоғозда барча ишлар якунлангани, бинолар фойдаланишга топширилгани ва аҳоли керакли шароитлар билан таъминлангани ҳақида ҳисоботлар берилган бўлса-да, аҳолининг маълум қисми кишини совуқ хонадонларда ўтказмоқда. Истеъмолчи ва қурувчи ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар ижроси қолаётган бир пайтда, расмий идораларнинг “қонун бунга йўл қўймайди” дейиши одамларда ишончсизликни пайдо қилмоқда. Улар ортиқча гап-сўзлардан кўра, ўз уйларида ваъда қилинган ҳақиқий иссиқликни ва қонуннинг кучини ҳис қилишни истайдилар холос...

Қурилиш соҳасидаги камчиликлар муҳокома қилинди

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Фарҳод Эрманов иштирокида қурилиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар, режаларнинг бажарилишидаги сусткашлик ва муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Унда қурилиш объектларида олиб борилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилиниб, баъзи лойиҳаларда белгиланган муддатларга амал қилинмаётгани, сифат талаблари етарли даражада таъминланмаётгани кескин танқид қилинди. Жумладан, айрим мутасаддилар томонидан назоратнинг сустлиги, муаммоларга юзаси ёндашилиётгани қайд этилди. Йиғилиш давомида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилиб, аниқланган камчиликлар бўйича маълум муддат ва масъулар белгиланиб, қурилишда иш сифатини ошириш, назорат механизмларини кучайтириш, ижро интизомини таъминлаш бўйича қатъий топшириқлар берилди. Вазифалар ижросига совуққонлик билан қараган мансабдор шахсларга тегишли чоралар қўрилиши айтилди.

Йиғилиш якунида қурилиш соҳасида тартиб-интизомни кучайтириш, ҳар бир объект бўйича шахсий жавобгарлиқни белгиланган, аҳолига қулай ва хавфсиз яшаш муҳитини яратиш устувор вазифа экани яна бир бор қатъий таъкидланди.

Йирик объектларда комплекс тадбирлар ўтказилди

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида кўп қаватли турар жойлар, янгидан бунёд этилаётган объектларда ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларга қандай риоя этилаётгани атрофлича ўрганилмоқда.

Зафар АХМЕДОВ,
Амударё тумани ФВБ бошлиғи, майор.



▲ Объектдаги ёнғин ФВБ ходимлари томонидан бартараф этилмоқда

Хусусан, 12 та ишлаб чиқариш корхонаси ва 2 та фойдаланишга топшириш арасидаги ҳамда 14 та икки қаватли бинолардаги ҳолат кўздан кечирилганда, қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, янги қурилаётган объектда пайвандлаш иши билан шуғулланаётган ишчи шу соҳа мутахассиси эмаслиги туфайли белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилмаган. Оқибатда кўпгина қурилиш материаллари ёниб кетишига сабабчи бўлди. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари оловни бартараф этди. Бироқ иш бевуричи ишчиларни вақтида назорат қилмагани ва уларни соҳаси бўйича йўналтирмагани оқибатида бир неча миллион сўмлик моддий зарар кўрди.

Ҳар қандай тадбиркор ишлаб чиқариш йўлга қўйиб, эл-юртга нафи тегиши учун тинимсиз меҳнат қилади. Бироқ айримларнинг ўз мулкни авайлаб-асраш ўрнига, унга нисбатан бепарво бўлаётгани қимматга тушмоқда. Гап шундаки, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий корхоналардан бирининг раҳбарига иш жараёнида ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилинмаётгани тўғрисида ходимлар томонидан икки марта огоҳлантириш берилган. Аммо унинг ёнғинга қарши зарур чора-тадбирларни кўрмагани ўзига қимматга тушди. Электр манбаидан нотўғри фойдаланилгани оқибатида цехдаги ускуналарнинг аксарияти фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди.

Ҳозирда туман ҳудудидаги барча хонадонлар, корхоналар, ижтимоий объектлар ва қурилиш ташкилотларида ёнғинга қарши қўрилган чора-тадбирлар ўрганилиб, камчиликлар бартараф этиляпти.



Ҳарвард – ўтган аср билан ҳозирги замоннинг мулоқоти

Кембрижнинг қадимий кўчаларида, Шарлз дарёсининг бўйида сокин ва улугвор бир мажмуа қад ростлаган. У шунчаки университет эмас – тарих, у хотира, у тафаккур ва орзуларнинг уйғун қасридир. Гап нима ҳақида кетаётганини англадингиз назаримда. Албатта, бу Ҳарвард университети (Harvard University) – инсоният тафаккурининг рамзига айланган илм саройидир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тарих саҳифаларидан...

1636 йил. Янги Англиянинг ҳали гўдак давлати ўз келажагини таълимда кўрган бир давр. Шу йили Массачусетс (Massachusetts) колонияси томонидан ташкил этилган кичик коллеж кейинчалик дунёнинг энг нуфузли илм даргоҳига айланади, деб ким ўйлабди дейсиз.

1639 йилга келиб, ушбу таълим маскани ўз номини саховат ва маърифат билан тарихда қолган инсон – Жон Ҳарвард номи билан атай бошлади. У вафотидан сўнг ўзининг бой кутубхонасини ҳамда мол-мулкнинг ярмидан кўп қисмини ёш коллеж ихтиёрига ҳада этди. Бу эҳсон нафақат моддий кўмак, балки илм-фанга бўлган кечис ишонч ва фидойилик ифодаси эди. Жон Ҳарварднинг бу эзгу амали таълим тарихида чуқур из қолдирди.

Меъморий симфония

Ҳарвард университети бинолари нафақат илм-фан маркази, балки санъат ва эстетик тафаккурнинг юксак намунаси сифатида ҳам эътироф этилади. Унинг меъморий қиёфаси тўрт аср давомида шаклланган бўлиб, ҳар бир даврнинг руҳияти, диди ва фалсафаси ушбу иншоотларда ўз аксини топган. Ҳарвард кампуси – бу тарихий қатламлар уйғунлашган, вақт ва макон ўртасида барқарор мулоқот яратган бетакрор меъморий симфониядир.

Университетнинг дастлабки бинолари XVII асрда барокко ва классик услублар таъсирида қад ростлаган бўлса, кейинги даврларда Виктория даврига хос ғиштли готика унсурлари умумий қиёфага ўзига хос жиддийлик ва салобат бахш этди. XX аср бошларига келиб, неоклассик ва модерн йўналишлари анъанавий шакллари замонавий эстетик қарашлар билан уйғунлаштирди. Бу жараён Ҳарвард меъморчилигини нафақат тарихий, балки доимий ривожланиб борувчи маданий маконга айлантирди.

Harvard Yard – университетнинг юраги бўлиб, қизил ғиштдан бунёд этилган қадимий бинолари гўё вақт билан суҳбатлашаётгандек таассурот уйғотади. Бу ҳудудда ҳар бир дархат, йўлак ва девор илмий изланишлар, интеллектуал баҳслар ҳамда талабалик хотиралари билан сугорилган. Айниқса, 1720 йилда қурилган Massachusetts Hall бутунги кунда ҳам университетдаги энг қадимий бино сифатида ўз тарихий қиёфасини сақлаб келмоқда.

Архитекторлар ва услублар уйғунлиги

Ҳарварднинг меъморий тарихида кўплаб архитекторлар ўз изини қолдирган. XIX асрда Чарлз Булфинч ва Ричардсон сингари меъморлар кампусда инглиз классикаси билан америка модернизмни уйғунлаштирган. Айниқса, Х. Ричардсон томонидан яратилган Sever Hall биноси ўзининг Романеск услуби, оғир ғишт деворлари ва қиррали аркалари билан Ҳарвард руҳининг тимсолига айланган.



▼ Ҳарвард университети

Инсоният хотирасига айланган кутубхона

XX асрга келиб, университет ташқи қиёфасига ҳам минимализм ва замонавий дизайн унсурлари кириб келди. Шиша ва бетон уйғунлигидаги янги лабораториялар, илм марказлари ва кутубхоналар замонавий тафаккурнинг белгиси бўлди. Бироқ улар қадимий бинолар билан тўқнаш келмасдан, уларни ҳурмат билан ўраб, ўзаро тарихий уйғунлик яратди.

Ҳарварднинг энг фахрли жойларидан яна бири – Widener Library ҳисобланади. Бу иншоот шунчаки кутубхона эмас, у инсоният тафаккурининг ёдгорлигидир. Бу бино 1915 йилда биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳарвардлик талаба Harri Widener хотирасига бағишлаб бунёд этилган. Унинг деворлари орасида 17 миллиондан ортиқ китоб, кўлёзма ва ноёб нашрлар

сақланади. Бинонинг монументал устунлари, мрамар зинапоялари ва жимжит заллари сизни шовкинли дунёдан ажратиб, фикрнинг сокин оламига чорлайди.

Бугунги Ҳарвард кампуси ўтган асрлар билан ҳозирги замоннинг мулоқоти, десак муболаға бўлмайди. Қадимий ғиштли бинолар орасида жойлашган замонавий марказлар, яшил хиёбонлар, санъат асарлари ёрдамида безатилган майдонлар ўзаро уйғунлиқда ҳаракатланади. Ҳар бир бино, ҳар бир устун, ҳатто ҳар бир дераза шакли орқасида бир фалсафа яширинган.

60 та маҳалланинг инфратузилмаси яхшиланмоқда



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ислом тараққиёт банки ҳамда БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамкорлигида “Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш” лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Ғайрат БҮРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Ушбу лойиҳа доирасида Сурхондарё вилоятининг Ангор, Бойсун, Термиз, Музработ ва Шеробод туманларидаги 60 та маҳаллада инфратузилмани яхшилашга қаратилган жами 237 та сублоиҳа амалга оширилмоқда. Айни пайтда саломатлик ва ижтимоий йўлақлар қуриш, ичимлик суви тармоқларини тортиш, йўлларни таъмирлаш, болалар ўйингоҳларини барпо этиш ҳамда бошқа муҳим лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланган.

Дастурга киритилган барча лойиҳалар ушбу маҳаллаларда истикомат қилувчи аҳолининг тақлиф ва тавсиялари асосида шакллантирилган бўлиб, уларни 2028 йилгача тулиқ янғиланш режалаштирилган. Хусусан, танлаб олинган 60 та маҳаллани ривожлантириш режаларига

мувофиқ, 56 та йўлни асфальтлаш, 45 та электр тармоқлари, 34 та ичимлик суви тармоқларини тортиш, 32 та мактаб, 18 та богча ва 4 та тиббиёт муассасасини барпо этиш, 14 та саломатлик йўлаги билан тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш, 13 та кўприк қуриш, шунингдек, 18 та аҳоли ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган сугориш тизимини такомиллаштириш ишлари амалга оширилади.



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиiddин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магмуров, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ мусасислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзТАШҚЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорантметЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фаргона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 241. 1181 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

Ўза яқуни – Топпирилди – 22.00.

Фахрийлар

Қурилиш соҳасида

42 йиллик тажрибага эга устоз

Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши аъзоси Шодмонхон –Атавуллоев 1963 йилнинг 20 февраль куни Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, ҳозирги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетидида муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича ўқиди. Иш фаолиятини Самарқанд уй-қурилиш комбинатида оддий ишчи сифатида бошлаб, участка бошлиғи, бош муҳандис ва директор лавозимларида фаолият юритди.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида
Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Ш. Атавуллоев меҳнат фаолияти давомида “Академик лицей ва коллежлар қурилиши инжиниринг компанияси” бош муҳандиси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси техник назорати мутахассиси, “Миронкул ГРОВР” корхонаси директори, Самарқанд вилоятидаги “Азия металл” МЧЖ бош муҳандиси вази-фаларида ҳам ишлаган. Қурилиш соҳасида 42 йиллик тажрибага эга малакали мутахассис 2019 йилдан буён “AGROMIR BUILDINGS” МЧЖнинг ишлаб чиқариш директори лавозимида фаолият юртиб, кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширишга бош-қош бўлди.



Охириги 15 йил ичида у Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳридаги, Жиззах шаҳрининг Ш. Рашидов шоҳ кўчасидаги, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Самарқанд, Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги, Бухоро вилоятининг Гяждивон, Навоий вилоятининг Кармана ва Қизилтепа туманларидаги ҳамда Хоразм вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб, аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш жараёнига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда фахрий устоз ўз иш тажрибаси ва касб маҳоратини ёш мутахассисларга ўргатиб, фидойилик фазилати билан ибрат кўрсатиб келмоқда. Ўз соҳасининг пухта билимдони, фидойи ва жонқуяр инсон, ташаббускор ва меҳнатсевар раҳбар сифатида шогирдлари, ҳамкасблари, маҳалладошлари ўртасида ҳурмат қозонган устознинг келгусидаги ишларига муваффақият тилаймиз.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 6–9 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Авазбек Нарзуллоев**, хизмат хоналари фарроши **Мухтабар Юсупова**, “Qishloqquyilishloyiha” ДМ Йўлларни лойиҳалаш бўлим бошлиғи **Улугбек Хусанов**, “Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ ҳайдовчиси **Усмон Махмудов**, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Сухроб Улжаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Маҳлиё Шойқулова**, Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари **Шухратжон Абдурахматов**, Тошкент шаҳар Олмасор тумани “Yangi Qaldirg’och Boshqaruv kompaniyasi” МЧЖ БСК раҳбари **Гўзал Шамуратова**, Сергели тумани “Uchuvchilar quruvchi servis” МЧЖ БСК раҳбари **Шерзод Каримов**, Яшнобод тумани “Sodiq Azimov Kommunal” МЧЖ БСК раҳбари **Мамлакат Туршикова**, “Иссиқлик таъминоти” АЖ Навоий филиали бюро бошлиғи **Шухрат Ҳасанов**, Учкудуқ филиали диспетчери **Акмал Шамсиев**, Зарафшон филиали Электр жиҳозларига хизмат кўрсатиш монёри **Мухаммад Раҳмонов**, Тошкент вилояти филиали Умумий бўлим ахборот технологиялари бўйича мутахассиси **Моҳинур Раҳимбоева**, Пискент тумани филиали қозонхона устаси **Баҳром Жамиллов**, Наманган вилояти филиали хўжалик мудири **Носиржон Мўйдинов**, Самарқанд вилояти филиали экскаватор юқловчиси **Орзикул Эшмуродов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!